

Ғарб маданиятига берилган йигит қиссаси



16:53 / 18.12.2023 4309

Сафарларимдан бирида ёнимга бир йигит келиб ўтирди ва ўзини таништирди. Ёзган китобларим учун ташаккурлар айтди. Сўнгра ўзининг қиссасини бошлади:

«Авваллари, – деди у, – овқатланишда вилкани чап қўл билан, пичоқни ўнг қўл билан ушлаш керак, у қилиш керак, бу қилиш керак, деган гаплар мен учун сеҳрли оламга ўхшаб туюлар эди. Бунга ўхшаган гаплар мен учун энг ҳавас қилган нарсаларим эди. Мана шунга ўхшаш кўрсатмалар мени молу дунё муҳаббатига олиб келди. Уларга ҳирс қўйдим. Жуда кўп мол-дунё орттирдим, катта давлатга эга бўлдим. Аммо бу бевафо нарса экан, бир кунда барчасидан айрилдим. Молу дунёга куйиб, соғлиғимни йўқотдим. Юрак хасталиги хуруж қилиб, қулаб тушдим ва ўн саккиз кун беҳуш ётдим. Ўзимга келганимдан кейин даво муолажалари бошланди. Қилмаган нарсам қолмади. Психологма-психолог югурдим. Охири Аллоҳнинг марҳамати

билан ибодатни бошладим. Китобларингизни ўқишга киришдим. Ҳақиқатни тушундим. Аста-секин тузала бошладим. Агар бу нарсалардан олдинроқ хабардор бўлганимда, мол-дунёдан ажраганимга заррача куюнмаган, Аллоҳнинг битган тақдири, деб кетаверган бўлардим. Бошимга шунча савдолар тушмас эди».

Қиссасининг сўнгида: «Ҳаммаси Аллоҳдан экан, У Зотнинг Ўзи мени сақлади. Мана энди ҳаммаси кўрмагандек бўлиб, сафарга кетмоқдаман, бир дуо қилинг», деди.

Аллоҳ таоло юрак хуружи беморлигини сабаб қилиб, мазкур йигитнинг қалбида Ўз маърифатига йўл очди. Ўн саккиз кун ҳушига келмай ётганида кўзига турли нарсалар кўринди, қулоғига ҳар хил овозлар эшитилди. Уни кўргани келган яқинлари Аллоҳ таолонинг динига чақирдилар. Йигитнинг қалб кўзи очилди, Роббининг маърифатига эришди. Ибодат қилишни бошлади, динни ўрганишга ҳаракат қилди. Беморлигида табиблардан ва психологлардан эшитган ўғитлардан минг марта афзал ва юксак маънолар ота-боболари бир минг беш юз йилдан буён эътиқод ва амал қилиб келаётган Ислом динида мавжуд эканини англаб етди. Шундай қилиб, у ўз саодатини топди.

Қачон Аллоҳ таоло бизга маърифат йўналишини очса, у ила амалимизнинг озлигига эътибор бермайдиган бўлайлик. Омин!

«Ҳилол» журналининг 6(51) сонидан